Ta'lim – mamlakat kelajagining ko'zgusi. Davlat o'zining kuchli tomonlarini, rivojlanish zonalarini ko'rib, milliy ta'lim dasturini to'g'ridan-to'g'ri ta'lim tizimining poydevoriga moslashtiradi. Sanoatlashtirish davrida savodxonlik va ish qobiliyatlari muhim ahamiyatga ega edi. Postindustrial davrda yoshlar rivojlanishining texnologik jihatlari oldinga chiqdi. Natijada raqamli inqilob – Internet, kompyuterlar, axborot texnologiyalari yuzaga keldi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentabrdagi "2018–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi to'g'risida"gi №PQ–3931-son qarorida ta'lim sifatini yaxshilash va innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish vazifasi belgilangan. Unga ko'ra ilg'or jahon tajribasiga tayanib, yangi davlat ta'lim standartlari va umumiy o'rta ta'lim o'quv dasturlarini, shu jumladan, STEAM yondashuvini bosqichma-bosqich joriy etish va takomillashtirish ko'zlangan. Respublikamizning har bir hududida iqtidorli yoshlarni aniqlash maqsadida Prezident maktablari ochiladi, ular STEAM dasturida o'qitishga ixtisoslashgan bo'ladi. STEAM – ta'limni real hayot bilan bog'lovchi texnologiya STEAM an'anaviy o'qitishga muqobil zamonaviy yondashuv hisoblanadi. STEAM – so'zining bosh harflari – Science (tabiiy fanlar), Technology (texnologiya), Engineering (muhandislik), Art (san'at) va Mathematics (matematika)ni anglatadi. O'quvchilar bu fanlarni uyg'unlashgan holda, ular orasidagi bog'lanishlar va amaliy yondashuvga asoslangan holda o'rganadilar. Boshqacha qilib aytganda, STEAM – fanlararo integratsiya yondashuvga asoslangan o'qituvchi va o'quvchining hamkorlikdagi faoliyati. Bu jarayonda o'quvchi va o'qituvchi ijodiy fikr yuritadi. Bu nazariya va amaliyotni birlashtirishning mantiqiy natijasidir. STEAM yondashuvi dastlab AQShda ishlab chiqilgan. Ba'zi maktablar o'zlarining bitiruvchilarining karyeralarini rivojlantirishga e'tibor berishdi va fan, texnologiya, muhandislik va matematika kabi fanlarni birlashtirishga qaror qilishdi, ya'ni STEMni tashkil etildi. (Tabiiy fanlar, texnika, muhandislik va matematika). Keyinchalik unga Art (san'at) qo'shildi va STEAM tashkil etildi. STEAM yondashuvining eng mashhur namunasi Massachusets Texnologiyalar Instituti (MIT)da ishlab chiqilgan. Bu mashhur universitetining shiori "Mind and hand" – "Aql va qo'l" dir. Massachusets Texnologiya instituti STEAM kurslarini ishlab chiqdi va hatto ba'zi o'quv yurtlarida STEAM ta'lim markazlari yaratildi. STEAM yondashuvining asosiy g'oyasi: amaliyotning nazariy bilim kabi juda muhim ekanligi hisoblanadi. Ya'ni, o'rganish vaqtida biz nafaqat miya, balki qo'llarimiz bilan ham ishlashimiz kerak. Dars vaqtida bilim olish tez o'zgaruvchan dunyo bilan mos kelmaydi. STEAM yondashuvi bilan an'anaviy yondashuv o'rtasidagi asosiy farq, bolalar turli mavzularni muvaffaqiyatli o'rganishi uchun ularning aqli va qo'llarini baravar ishlatishidir. Ular bilimlarni o'zlari uchun "o'zlari" o'rganadilar. Iqtidor (aql, intellekt) nima? Aql-idrok – maqsadga eng samarali tarzda erishish mumkin bo'lgan, ya'ni vaqt va resurslarni kam sarflash bilan erishish mumkin bo'lgan bilishni tashkil etish qobiliyati. Maktab o'quvchilarining aqliy rivojlanishi va mazmuniga zamonaviy nuqtayi nazar kognitiv tuzilmalar haqidagi nazariy g'oyalar bilan chambarchas bog'liq bo'lib, u orqali inson atrof-muhit haqida xulosa chiqaradi, keladigan barcha yangi taassurot va ma'lumotlarni tahlil va sintez qiladi. Ular qanchalik rivojlangan bo'lsa, ma'lumot olish, tahlil qilish va sintezlash imkoniyati shunchalik yaxshi tushunadi, idrok etadi. STEAM yondashuvi nafaqat o'rganish metodi, balki fikrlash usuli hamdir. STEAM ta'lim muhitida bolalar bilimga ega bo'lib, shu bilimdan foydalanishni darhol o'rganadilar. Shuning uchun ular o'sib, haqiqiy dunyoda istalgan hayot muammosiga duch kelganda, bu xoh ifloslanish yoki iqlimning global o'zgarishi bo'lsin, bunday murakkab masalalarni faqat turli fanlardan olgan bilimlarga tayanish va birgalikda ishlash orqali hal qilish mumkinligini tushunadilar. Faqat bitta fandan olingan bilimga tayanish yetarli bo'lmay qoladi. STEAM yondashuvi o'rganish va ta'limga bo'lgan munosabatimizni o'zgartiradi. O'quvchilar amaliy ko'nikmalarga e'tibor

qaratish orqali irodasini, ijodkorligini, moslashuvchanligini rivojlantiradi va boshqalar bilan hamkorlik qilishni o‘rganadi. Ushbu ko‘nikmalar va bilimlar asosiy ta’lim vazifasini tashkil etadi, ya’ni ta’lim tizimining bosh maqsadi hisoblanadi. STEAM o‘quvchilarda quyidagi muhim xususiyatlar va ko‘nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi:

- muammoni keng qamrovli tushunish;
- ijodiy fikrlash;
- muhandislik yondashuvi;
- tanqidiy fikrlash;
- ilmiy metodlarni tushunish va qo‘llash;
- dizayn asoslarini tushunish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sayidahmedov N, Ochilov A. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi.–T.,1999. –55 b.
2. Sayidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. –T.,2003.– 66 b.
3. Tolipov.O‘., Usmonboyeva.M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot.– T.: Fan, 2005. –205 b.

Internet manbalari:

1. http://www.school.edu.ru - umumta’lim portali (rus tilida)
2. http://www.alledu.ru - “Internet ta’lim” portali (rus tilida)

TEXNOLOGIYA DARSLARIDA FOYDALANILADIGAN QO‘L MEHNATINING USULLARI.

To‘rayeva Yulduz Nurmuhammedovna
Navoiy viloyati Nurota tumani
57-umumiy o‘rta ta’lim maktabi
texnologiya fani o‘qituvchisi
Telefon raqami: 97 797 44 99

Annotatsiya. Qo‘l mehnatiga o‘rgatishda boshqa fanlarni o‘rgatishda bo‘lganidek, o‘qitishning xilma-xil usullarini qo‘llab, ular yordamida o‘quvchilarning bilim, malaka va ko‘nikmalarini egallab olishlariga, shuningdek bilish qobiliyatlarini rivojlanishiga erishiladi.

Kalit so‘zlar. Texnologiya ta’limi, Qo‘l mehnati, asbob, Xavfsizlik texnikasi, tafakkur.

O‘quvchilar bayon etilayotgan aynan buyum emas, balki o‘z so‘zlari bilan buyumni bajarilishini eslashlari talab etiladi. Biroq, asosiy o‘rinni hali ham namuna, tayyor ko‘rgazma bo‘yicha ishlash egallaydi. Hozirgi zamon maktabi darsning zamonaviyligini oshirdi, takomillashtirishda va unga sayqal berdi. O‘qituvchi darsga tayyorlanar ekan, har bir tayyor mavzu mazkur dars uchun uning maqsad va vazifalariga muvofiq keladigan ishni usul va ko‘rgazmali qurollarni tayyorlaydi. Qo‘l mehnati darslarida odatda bir yoki ikki asbobdan foydalaniladi, ularni esa navbatchilar tarqatadi. Stolning ustida diqqatni chalg’itadigan hech qanday ortiqcha narsa bo‘lmasligi kerak. Asboblarni, ayniqsa kesuvchi asboblarni charm g’ilofda saqlagan ma’qul. Har bir g’ilof asbobning ma’lum turiga mo‘ljallangan bo‘ladi. Hamma foydalanadigan asboblar sinf shkaflarda saqlanadi, ishdan so‘ng asboblarni o‘quvchilar tozalab yuvib, artib navbatchi o‘quvchiga topshiradilar. Ish xonasida o‘quvchilarga asboblarni ishlatish va saqlash qoidalarini eslatib turuvchi plakat – eslatmalar osig’liq bo‘lishi kerak. Xavfsizlik texnikasiga qoidalariga to‘lik rioya qilish baxtsiz hodisalarning oldini oluvchi ishonchli garovdir. Asboblarni ishlatish qoidalarini o‘quvchilar vaqti-vaqti bilan takrorlab turishi lozim. U yoki bu qoidani tushuntirishda o‘qituvchi nima uchun aynan shunday qilish kerakligini, bu qoidalarga rioya qilinmasa qanday hodisalar ro‘y berishi mumkinligini uqtirishi lozim. Xafvsizlik texnikasining barcha qoidalari so‘zsiz bajarilishi lozim. Ish xonalarida ishlash va asboblardan foydalanish bo‘yicha texnika xavfsizligi qoidalarni quyidagicha umumlashtirish mumkin. 1. Ish xonasiga faqat o‘qituvchi ruxsati bilan kiriladi. 2. Har bir o‘quvchi faqat o‘z ish joyida ishlaydi. Agarda ish jamoa ravishda qilinadigan bo‘lsa, o‘quvchilar o‘z majburiyatlarini yaxshi biladilar. 3. Ish faqat o‘qituvchining ruxsati bilan boshlanadi. 4. Ishni boshlashdan oldin, ish joyini tayyorlash, asboblarni to‘g’ri va qulay joylashtirish: O‘ng qo‘l bilan ushlanadigan asboblarni o‘ng tomonga, chap qo‘l bilan ushlanadiganini chap tomonga qo‘yish, sanchiladigan, kesadigan asboblarni hech qachon ikkita asbob orasiga qo‘ymaslik, ularni doimo o‘z joyiga, o‘tkir tomonini narigi, dastasini o‘zi tomonga qilib qo‘yish kerak.

Ilmiy-texnik tafakkurning borgan sari yoshlarning fan-texnikaning jo‘shqin rivojlanishida faol ishtirok etishlari faqat ta’lim mazmunini emas, balki o‘qitish jarayoning usuli va tashkil etilishini, o‘qitishga qiziqishini, ijodiy qobiliyatini, egallagan bilimlarini amalda qo‘llay bilishni rivojlantirish maqsadlarida yanada takomillashtirishni ham talab qiladi. Bu esa maktab zimmasiga yoshlarda ijodga ehtiyoj uyg’otish, ijodiy qobiliyatlar, har qanday faoliyatga ijodiy yondashish asoslarini tarkib toptirishga, ijodiy masalalarni mustaqil hal etishga o‘rgatish vazifasini yuklaydi. Texnologiya ta’limiga o‘rgatishning ahamiyati mehnat malakalarini egallash imkoniyatini berish bilan cheklanmaydi, balki bu malakalar hamma uchun kerakligini e’tirof qilish kerak. Ko‘pgina ilmiy kengashlar, agarda ularda qatnashgan kishilar turmush ishlarini bajarishni: ovqat pishirish, kiyim yamash, ozodalikni saqlash va shu kabilarni bilmaganlarida shunchalik muvaffaqiyatga erishmagan bo‘lardilar. Texnologiya ta’limiga o‘rgatishda ham zamonaviy pedagogika ishlarini to‘g’ri tashkil etish va uning usullariga qo‘yadigan umumiy talablariga muvofiq tarzda amalga oshirish kerak. O‘qitish metodlari – bu o‘qituvchi va o‘quvchilarning usullari bo‘lib, bular yordamida o‘qituvchi o‘quvchilarni bilim, ko‘nikma va malakalarini egallashlariga erishiladi. O‘qituvchi o‘z tajribasida o‘qitishning xilma-xil usullaridan foydalanishi mumkin. O‘qituvchining intilishi, hatti-harakati darsda o‘quvchilarning diqqat-e’tiborlari susaymasligiga, fikrlarning jamlangan bo‘lishiga, ularning chambarchasliklariga yo‘llangan bo‘lishi kerak.

O‘qituvchi darsning har bir daqiqasini qadrlab, o‘quvchilarni ham shunga o‘rgatish kerak. Har bir o‘qituvchiga o‘z uslubi, o‘z usulining o‘ziga xosligigi ega bo‘lish huquqi berilgan. Biroq shuni aytish mumkinki, bularning barchasiga mustahkam bilim, bir qarashda hammaga ravshan bo‘lgan haqiqatlarni egallab olganlaridagina erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. R.A.Mavlonova, O.T.To‘raeva, K.M.Xoliqberdiev “Pedagogika” T., “O‘qituvchi” 1998 yil
2. R.A.Mavlonova, Goroxova, Ogluzdina O, “Mehnat tahlim metodikasi” T., “O‘qituvchi” 1986 yil
3. www.ziyouz.com

ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Джалолова Дилафруз Фаттоховна
Бухоро муҳандислик-технология институти доценти
Телефон: +998(94) 128-24-42
djalolova1979@mail.ru

Шарипова Шахруза Нусрат қизи
Бух.МТИ 316-17 (КТ) ЕСТ гуруҳ талабаси
Телефон: +998(91) 246-18-35

Аннотация: ушбу мақолада техника олий ўқув юртлари таълим жараёнида дастурий воситалардан фойдаланишнинг назарий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: коммуникация,технология,дастур,инжиниринг,визиуал.

Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам замонавий фанларни ўқитиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши таълим олдида илғор ўқитиш амалиётини кенгайтириш ва таълим усулларини такомиллаштириш муаммосини келтириб чиқармоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан дастурий воситаларнинг хилма-хиллиги ва доимий равишда узлуксиз янгиланиб бораётганлиги фанларни ўқитишда таълим усулларини мутаносиб тарзда ўзгартириб мослаштириб бориш ҳамда ривожлантиришни талаб қилади. Шунинг учун биз тадқиқ қилаётган дастурий инжиниринг ихтисослиги талабаларини ўқитишда замонавий дастурий воситалардан фойдаланиш орқали талабалар касбий фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш доимо янги методик ёндашувни талаб қилади. Дастурий воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш компьютер технологияларини тадбиқ этиб бўлмаслигини баҳона қилиш бугунги кунда мантиқсиз ҳолатдир. Барча олий ўқув юртлари замонавий компьютер ва мультимедия жиҳозлари билан таъминланлигини инобатга олсак, хусусан дастурий инжиниринг ихтисослиги талабаларининг касбий фаолиятидан келиб чиқиб таълим жараёнида дастурий воситалардан фойдаланиш янада долзарб эканлиги кўзга ташланади.

Таҳлил жараёнида дастурий воситалардан фойдаланишнинг қуйидаги асосий жиҳатларини:

- таълим тизимига замонавий дастурий воситаларини ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши таҳлил қилинди ва математик ва табиий-илмий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича турли йўналишлар доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари ўрганилди. Жумладан таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб келаётган педагог-методистлар фаолияти ҳам атрофлича таҳлил қилинди;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланувчиларнинг психологик жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш лозимлигига эътибор қаратилди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланувчи талабаларда коммуникатив билим, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билимларини мустақил равишда шакллантиришнинг психологик тамойиллари, шунингдек уларнинг илмий-амалий, ижодий салоҳиятини ва касбий фаолиятини шакллантириш масалалари ўрганилди;
- таълим мақсадлари дастурий воситалар сифатини баҳолаш назарияси, технологияси ва педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқишнинг асосий принциплари ҳамда замонавий дастурий воситалар интерфейсига қўйиладиган талаблар шакллантирилди.
- ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда математик ва табиий-илмий фанларни ўқитиш муаммолари кўриб чиқилди.

Тадқиқотимиз доирасида таълим ҳамда касбий фаолият сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнига ахборот коммуникацияларини қўллашга бағишланган ишлар биз учун алоҳида аҳамият касб этади.Ҳозирги вақтда таълимда дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Фанларни ўқитишда фикримизча, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер технологиялари, хусусан

дастурий воситаларини қўллаш ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган ғоялар, технологиялар ва педагогик услубларнинг барча турларини синовдан ўтказиш учун энг маъқул услубдир. Бу ёндашув кўпгина жиҳатлар билан алоҳида аҳамият касб этади, булардан энг муҳими бизнингча:

а) фанлар бўйича билимларни мустаҳкамлашда математик моделлаштириш усулларини тадбиқ этиш ва уларни дастурий воситалар орқали юқори даражада амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги;

б)атрофимиздаги оламни ўрганишда дунёқарашнинг шаклланганлиги, эгалланган билимларни мавжуд тажриба билан солиштириш ва янги тажриба орттириш учун юқори билим ҳамда кўникмалар зарурияти мавжудлиги. Бошқа томондан, кўпгина амалий масалаларнинг ечимини топишда махсус илмий лабораторияларсиз оддий ўқув лабораториясидан фойдаланиб тажриба ўтказишнинг имкони йўқлиги, назария ва тажрибани математик тилда таҳлил қилиш орқали ўзаро уйғун ҳолатга келтириш зарурлиги;

в)ҳодисалар ва жараёнларни визуаллаштиришнинг аҳамияти муҳим эканлиги;

г)ўқув материалларининг кўплиги ва унинг айрим бўлимлари ёки мавзуларини мустақил иш шаклларига ўтказиш заруриятининг мавжудлиги.

Айни вақтгача фанларни ўқитишда дастурий воситаларни қўллашнинг турли хил йўналишлари таклиф этилмоқда: ўлчов натижаларини қайта ишлаш, тажрибаларни симуляциялар орқали ўрганиш, виртуал лаборатория ишларини бажариш, топшириш, қабул қилишнинг электрон дастурини яратиш ва виртуал-тажрибавий ҳамда моделлаштириш муҳитларини ўргатиш. Биринчи навбатда, фанларни ўқитишда замонавий дастурий воситаларни узвий тарзда қўлланилаётганлиги, кўпгина ҳолларда дастурий воситалар элементларининг ўқув жараёнига мос келмаслиги ва тарқоқлик мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Иккинчидан, ўқув жараёнида замонавий компьютер тизимларидан фойдаланиш бўйича ягона концепциянинг шакллантирилмаганлиги. Шуни таъкидлаш жоизки, техника олий ўқув юртларида фанларни ўқитишда дастурий воситаларнинг ривожланиш тарихи таҳлил қилинганда дастурий воситалар, мультимедия воситалари ва улардан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикаси дастурлаш тилларидан кейин ишлаб чиқилган, ёҳуд дастурлаш тилларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган деган хулосага келишимизга ёрдам беради. Ҳақиқатдан ҳам педагогик дастурий воситалар ёки математик дастурий пакетлар маълум бир дастурлаш тили ёрдамида ёзилган дастурий таъминотдир.

Р.В.Майер ўз илмий мақоласида физикадан масалалар ечимини топишда Microsoft Excel дастурининг жадвал имкониятидан фойдаланган. Бунда электрон жадвал дастурлаш асосида яратилган. Дастур эса Visual Basic дастурлаш тилига асосланган бўлиб у Microsoft Excel компоненталари таркибига киради.

И.А.Гончарова ўз диссертацион тадқиқот ишида бўлажак муҳандисларни тайёрлашда компьютер тизимларидан фойдаланиш технологиясини кўрсатиб берган. И.А.Клочконинг илмий ишлари ҳуқуқ ва ижтимоий таъминотда касбий таълим йўналиши талабаларининг ахборот компетентлигини шакллантиришда модулли технологияларни қўллашга бағишланган. Е.В.Гнатышина, А.О.Прокубовская, Е.В.Филимоновалар талабалар илмий-амалий ва касбий фаолиятини фаоллаштиришда компьютер технологияларидан фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни ва дастурий воситалар ёрдамида талабалар мустақил ишларни ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлашган. Э.В.Александрова ва И.В.Оноковларнинг ишлари ахборот-коммуникация технологиялари асосида техника олий ўқув юртлари талабаларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишланган.Т.Ю.Вьюновнинг илмий ишларида компьютер ёрдамида фанларни ўқитиш ва назорат қилишда индивидуал ёндашувни амалга оширишга бағишланган. Н.Н.Гомулина дидактик нуқтаи-назардан фанларни ўқитиш методикасида замонавий дастурий воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларига қўйиладиган талабларга таянган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим фаолияти моделларини таклиф этган, улар ёрдамида талабалар билимларини мустақил ривожлантиришга қаратган. И.М.Нукраева талабаларнинг таълим муаммоларини ўқитувчи томонидан синовдан ўтказиш ғоясини ривожлантириш, тажрибалар асосида текшириш, дастурий воситалар билан ишлашда талабаларнинг амалий фаолиятини бошқаришни ишлаб чиқиб хулосалар тайёрлаган ва натижаларни таҳлил қилган.С.В.Бирюкова, В.В.Горина, В.А.Илъина, Н.В.Соина илмий ишлари компьютернинг алгебравик тизими DERIVE ёрда-

мида вибрация ва тўлқин жараёнларини ўрганишга бағишланган. Т.В.Капустина дастурий восита сифатида Mathematica математик дастурий пакетидан фойдаланган.Техника университетлари талабаларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш муаммолари, С.Ю.Бурмилова, Э.В.Александрова, Г.В.Ерофеева, А.Ф.Иоффе, Л.В.Масленникова ва бошқалар илмий ишларида ўз аксини топган. А.М.Лозинская ўз диссертация ишида таълим самарадорлигини оширишда модулли-рейтинг технологиясини қўллашга алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган.Г.В.Ерофеева техника олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишнинг методик тизими концепциясини ишлаб чиқди, бунда у техника олий ўқув юртларининг ўзига хос хусусиятлари ва таълим жараёнида янги ахборот технологияларини қўллашга тизимли ёндашув зарурлигини ҳисобга олган. Бироқ, бу билан ахборот-коммуникация технологияларининг барча воситаларини қамраб олинмаслиги сабабли муҳандиснинг касбий фаолиятига етарли эмас деб баҳолаган.Техника олий ўқув юртларида таълим жараёнида компъютер технологиясидан фойдаланиш масаласи А.Н.Качевский томонидан ўрганилган. А.А.Ездов, Н.В.Вознесенская ва О.Н.Шаровалар ўз диссертацион тадқиқот ишларида таълим жараёнида дастурий воситалар (Mathcad, ELCUT, MAPC, Model Vision Studium, Живая физика, Физикон)дан фойдаланиш услубларини кўрсатиб беришган.Ушбу адабиётлар илмий изланишимизнинг илмий асосларини ифодалаши билан бирга навбатдаги назарий ёндашувлар билан тўлдирилади: ўқув жараёнини фаоллаштириш (В.В. Давыдов ва бошқалар), ўқитиш муаммолари (И.Я.Лернер, М.И.Махмутов, М.Н.Скаткин ва бошқалар).Ушбу манбалар таҳлили икки асосий илмий ва услубий йўналишлари муаммоларини ҳал қилишнинг имкониятини беради. Уларнинг дастлабки тадқиқотлари келажакда мутахассис томонидан ўз функционал вазифаларини сифатли бажарилишини таъминлайдиган касбий жиҳатдан етарли билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишга кўмаклашиши таъкидланади. Муаллифларнинг тадқиқотлари касбга йўналтирилган ўқитишни ташкил этишга бағишланган. Деярли барча муаллифлар техника олий ўқув юртлари талабаларига дастурий воситалардан фойдаланиши учун уларнинг компьютер технологиялари билан мукаммал даражада ишлай олиши шарт эканлигини эслатиб ўтмоқдалар. Барча ўрганиб чиқилган ишларнинг юқори илмий ва услубий даражасини, уларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, ушбу тадқиқотлар таълимда компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методологиясининг муайян соҳаларини намоён этиши, энг кўп тадқиқотлар математик ва табиий-илмий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланиш муаммоларига бағишланганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Кўплаб тадқиқотлар бир неча ўн йил олдин компьютер имкониятларига қараб Pascal, Basic, С тилларида ёзилган дастурлар ёрдамида таълим жараёнида фойдаланилган. Ҳозирга кунда эса замонавий дастурлаш тиллари Visual Studio, Embarcadero каби дастурлаш тилларидан фойдаланилмоқда. Фикримизча, математик дастурий пакетлар (Mathcad, Matlab, Mathematica, Maple)да ҳодиса ва жараёнларни визуал, математик моделлаштиришда катта имкониятларга эга бўлиб масалаларини ечимини топишда кам вақт сарф қилиниши ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, тадқиқотимиз муаммолари билан боғлиқ ишларни таҳлил қилиш, фанларни ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш уларнинг касбий фаолиятини шакллантиришдаги юқори самарадорлиги ҳақида қуйидаги хулосага келишимизга имкон беради:

- таҳлил қилинган ишларнинг аксарият қисмида берилган тавсиялар хусусий тавсифга эга бўлиб улар компьютер технологиясидан таълим жараёнининг маъруза машғулотларида ёки амалий ва лаборатория ишларида қўлланилади;
- кўпгина илмий-тадқиқот ишларида дастурлаш тили ёки махсус дастурий таъминот танланган. Техника олий ўқув юртларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фанларни ўқитишида дастурий воситаларни қўллаш методикасига бағишланган ишлар деярли мавжуд эмас эканлиги эътироф этилади;
- техника олий ўқув юртлари талабаларига таълим беришда дастурий воситалардан фойдаланиш орқали касбий фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш, масофавий таълимни қўллаб-қувватлашни ривожлантириш зарурати мавжуд;
- касбий фаолият сифати ва самарадорлигини ошириш учун дастурлаш тилларидан таълим жараёнида деярли фойдаланилмаган. Мутахассислар тайёрлашда тўлиқ масофавий таълимни қўллаб-қувватловчи педагогик дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш имкони-

яти мавжуд бўлсада, бундай дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланишдаги камчиликлар ҳанузгача бартараф этилмаган. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўп сонли адабиётлар техника олий ўқув юртлари талабаларига фанларни ўқитишда муҳандислик амалиётларида ишлатиладиган турли хил дастурий воситалардан фойдаланиш турли мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Бунга сабаб фанларни ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланишга доир ўқув адабиётларининг етарли эмаслиги бизнинг тадқиқотларимизнинг долзарблигини тасдиқлайди ва муҳокама қилинаётган муаммони мураккаб ҳамда кўп қиррали эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Александрова Е.В. Повышение качества подготовки студентов заочной формы обучения на основе инфокоммуникационных технологий в техническом вузе: Дис. канд. пед. наук: 13.00.08.-Самара, 2005г. РГБ ОД, 61:05-13/1314.-180 с.

2. Бадарча Дендева. Информационные и коммуникационные технологии в образовании : монография / М. : ИИТО ЮНЕСКО, 2013. – 320 стр.

ЗАДАЧИ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИЕЙ ПРОИЗВОДСТВА И ОПЕРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ЕДИНИЧНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ.

Каландаров И.И.
Ph.D., доцент Нукусский филиал
Навоийского государственного горного института
Телефон:+998934381590
ilyos1987@mail.ru

Аннотация: Для некоторых частных случаев задач календарного планирования удалось получить точные методы, позволяющие решать задачи большой размерности. Впервые такой метод разработан Джонсоном для решения одно маршрутной задачи с двумя станками. Простые алгоритмы, позволяющие найти точное решение за малое количество операций, были получены для задачи одного станка с разными критериями оптимальности.

Ключевые слова: календарного планирования, эвристические методы, метод Монте-Карло, одно маршрутная задача, производственная система.

Статистические методы осуществляют выбор возможных планов в зависимости от значений некоторой случайной величины, и решением задачи считается наилучший из выбранных планов. Простейшим статистическим методом поиска оптимального решения является ненаправленный случайный поиск или метод Монте-Карло. Сущность метода заключается в том, что для последовательности $\pi_1, \pi_2 \ldots, \pi_n$ независимых случайных порядков обработки определяются значения целевой функции $K(\pi i)$ строится последовательность

$$K_n(\pi) = min\{K(\pi i)\}$$

Однако, метод Монте-Карло, не учитывающий специфики задачи, дает недостаточно быструю сходимость к оптимальному решению. Ускорение сходимости случайной последовательности планов к оптимальному можно достигнуть за счет более разумной организации случайного поиска [1].

Поэтому приближенное решение одно маршрутной задачи может быть найдено при решении следующей задачи: найти такую перестановку π^*, для которой величина D_π, вычисляемая по формуле, принимает минимальное значение:

$$D_{\pi^*} = \min_{\pi \epsilon S^{(n)}} D_\pi$$

Для существующих производственных систем (конвейерной, циклической и произвольной) в литераторе описано множество точных и приближенных [2] алгоритмов для решения задач календарного планирования, которые характеризуются большой размерностью и значительным временем решения задачи.

И в заключении важно отметить следующее. Основными вопросами управления производственными системами являются вопросы, связанные с достижением главной цели функционирования производственного подразделения, т.е. выпуска максимального количества продукции заданного качества.

Поэтому главной задачей данной проблемы управления является задача календарного планирования. Решение задачи календарного планирования связано с состоянием ряда внутренних факторов (организационные структуры расстановки рабочих, оборудования, специализация оборудования) организационной среды цеха. Следовательно, для успешного решения задач управления производственными подразделениями требуется комплексное решение задач управления организацией производства и оперативного управления.

Литература:

1. Кабулов А. В., Норматов И. Х., Каландаров И. И. Алгоритмическая модель управления на основе алгебры над таблицами функционирования //Проблемы вычислительной и прикладной математики. – 2016. – №. 2. – С. 19-23.
2. Kabulov A.V., Normatov I.H., Kalandarov I.I. Algorithmic method of the conversion functioning tables (FT) for control industrial systems. // ISSN 2308-4804 International scientific journal “Science and World”, № 8(24), 2015. - Vol. 1 - P. 14-17

PORSHEN YUBKASINI GAZLAR BOSIMIDAN DEFORMATSIYALANISHI

Ro'zimatov Muxammadjon Abdumo'min o'g'li
Assistent, Andijon mashinasozlik instituti
ruzimatov1991@inbox.ru, +99893 252 82 52

Gazlarning maksimal qiymati yonish jarayonida xosil bo'lib, bu vaqtda porshen yuqori chekka nuqtada joylashgan bo'ladi. Shuning uchun gazlarning bosimi to'laligicha porshenga ta'sir qiladi va uni deformatsiyalaydi.

Xuddi shu holatni hosil qilish va porshen yubkasining deformatsiyasini o'lchash uchun T.S.Xudoyberdiev tomonidan maxsus asbob yaratilgan. Uning konstruksiyasi 1-rasmda ko'rsatilgan. Asbobning ichiga porshen teskari qo'yilgan, pastdan esa nasos orqali moyning yordamida bosim hosil qilinadi. Porshen yubkasining deformatsiyasi ko'p bo'lgan kesimiga soat tipidagi indikatorlar aylana bo'ylab o'rnatilgan. Hosil qilingan bosimning har bir qiymatida deformatsiyaning kattaligi o'lchanadi.



1-rasm. Porshen yubkasini gazlar bosimidan deformatsiyalanishini o'lchovchi moslamaning umumiy ko'rinishi
1-asos; 2-3- anker boltlar: 4-stakan; 5-mikrometr; 6-porshen; 7- porshen barmog'i; 8-rostlovchi vint; 9- shatun; 10- tayanch; 11- qopqoq; 12- rostlovchi gayka.

Deformatsiyaning bunday shaklini kompensatsiya qiluvchi ovalni aniqlash yondan ta'sir etuvchi kuch ostidagi deformatsiyani kompensatsiya qiluvchi ovalni aniqlash bilan bir xil bo'ladi. Bundan tashqari porshenning maksimal deformatsiyasi ham alohida ahamiyat kasb etadi.

Porshenning maksimal deformatsiyasi. Porshenning umumiy deformatsiya (Total Deformation) holati, Solid Edge dasturi ANSYS 15.0 dasturiy kompleksining [Static Structural] loyihani taxlil qilish bo'limida porshenni mustahkamlikka tekshirish va ishonchlilik koeffitsentini aniqladik. Ushbu dastur yordamida porshen modeliga *7 MPa* bosim ta'sir etganida maksimal deformatsiya *0.07 mm* bo'lishini quyidagi 2-rasmdan ko'rish mumkin.



2-rasm. Porshenning maksimal deformatsiyasi

Ekvivalent kuchlanish (Equivalent Stress) natijasi. Ekvivalent kuchlanish bu - porshenda, tashqi kuch ta'sirida hosil bo'lgan maksimal kuchlanish. Ekvivalent kuchlanish (σ_e, $[P_a]$) bilan belgilanadi va u quyidagi 1.1 va 1.2 formulalar yordamida aniqlanadi:

$$\sigma_e = \sqrt{\frac{(\sigma_1-\sigma_2)^2 + (\sigma_2-\sigma_3)^2 + (\sigma_1-\sigma_3)^2}{2}} \quad (1.1)$$

$$\sigma_e = \sqrt{\frac{(\sigma_x-\sigma_y)^2 + (\sigma_y-\sigma_z)^2 + (\sigma_x-\sigma_z)^2 + 6(\tau_{xy}^2 + \tau_{yz}^2 + \tau_{xz}^2)}{2}} \quad (1.2)$$

Bu yerda σ_1, σ_2 va σ_3- bosh normal kuchlanishlar deb ataladi va ular o'rtasidagi munosabat $\sigma_1 > \sigma_2 > \sigma_3$ deb qabul qilingan. σ_x, σ_y va σ_z- normal kuchlanishlar va τ_{xy}, τ_{yz} va τ_{xz}- urunma kuchlanishlar.

Porshen modeliga 7 MPa bosim ta'sir etganida maksimal ekvivalent kuchlanish 197.76 MPa ga teng ekanligini quyidagi 3-rasmdan ko'rish mumkin.



3-rasm. Porshenning maksimal ekvivalent kuchlanishi

Ishonchlilik koeffitsienti (Factor of Safety). Porshen mustahkam bo'lishi uchun tashqi kuchlar ta'sirida (7 MPa) hosil

bo‘lgan maksimal ekvivalent kuchlanish shu porshen materiali uchun ruxsat etilgan normal kuchlanishdan katta bo‘lmasligi kerak, ya’ni $\sigma_e \leq \sigma$. Ruxsat etilgan normal kuchlanish σ bilan belgilanadi. Turli materiallar uchun ruxsat etilgan normal kuchlanishning qiymatlari turlicha bo‘ladi. Bizning porshenga tanlangan aluminiy (Aluminum Alloy) materiali uchun ruxsat etilgan normal kuchlanish σ=280 MPa ga teng. Shunday qilib, ishonchlilik koeffitsienti quyidagicha aniqlanadi:

$$F_s = \frac{[\sigma]}{\sigma_e} = \frac{280 \cdot 10^6}{197.76 \cdot 10^6} = 1.4159$$

ANSYS 15.0 dasturida yordamida hisoblangan porshenning ishonchlilik koeffitsienti ham 1.4159 ga teng ekanligini quyidagi 4-rasmdan ko‘rish mumkin.



4-rasm. Porshenning ishonchlilik koeffitsienti.

Xulosa qilib aytganda, gazlarning maksimal qiymati yonish jarayonida hosil bo‘lib, bu vaqtda porshen yuqori chekka nuqtada joylashgan bo‘ladi. Shuning uchun gazlarning bosimi to‘laligicha porshenga ta’sir qiladi va uni deformatsiyalaydi. Porshen modeliga 7 MPa bosim ta’sir etganida maksimal ekvivalent kuchlanish 197.76 MPa ga teng bo’ladi.

Adabiyotlar

1. К.Костин и другие. Теплонапряженность двигателей внутренного сгорания. - Ленинград. «Машиностроение», 1978.
2. Saidov D.M. Solid Edge V20 programma kompleksida avtomatik loyihalash asoslari. – Toshkent, 2011.
3. Б.Я.Гинцбург. Профилирование юбок поршней. - Москва. «Машиностроение», 1973.
4. T.S.Xudoyberdiev, A.N.Xudoyorov. Ichki yonuv dvigatellarining porsheni va porshen halqalari. – Toshkent. «O‘zbekiston», 2007.
5. S.M Kodirov. – Ichki yonuv dvigatellari. Darslik. Toshkent, 2006.
6. Б.Я.Гинцбург. Теория поршневого кольца. - Москва. 1979.
7. T.S.Xudoyberdiev Porshen halqalari yeyilishi nazariyasi.Toshkent "Fan" 1996.
8. Худойбердиев Т.С. – Уличшение ресурсных показателей дизелей сельскохозяйственных тракторов с воздушным охлаждением в условиях Средиазиатского региона путем повышения герметичности камеры сгорания. Диссертация на соискание ученой степ. док. тех. наук. С.Петербург. 1992 г.

РЕШЕНИЯ ЗАДАЧИ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИЕЙ ПРОИЗВОДСТВА И ОПЕРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ.

Каландаров И.И.
Ph.D., доцент Нукусский филиал
Навоийского государственного горного института
Телефон:+998934381590
ilyos1987@mail.ru

Аннотация: К приближенным методам обычно относят статистические и эвристические методы и их различные комбинации. Однако, точные методы не в состоянии решить большинства задач календарного планирования, возникающие в реальных производственных системах, так как обычно эти задачи имеют очень большую размерность и весьма громоздки в реализации.

Ключевые слова: производственная система, производственное подразделения, календарного планирования, метод Монте-Карло.

При таком определении окрестности алгоритм локального поиска можно сформулировать следующим образом: моделируем N_n раз случайный план

$$\pi_n^{(s)} \epsilon U_{R_n}(\pi_n), \text{где } s = 1, 2, \dots, N_n$$

находим план π_n^* такой, что

$$K(\pi_n^*) = \min K(\pi_n^3)$$

если $K(\pi_n^*) < K(\pi_n)$, то в качестве исходного плана принимается π_n^* и процесс продолжается в том же порядке, если $K(\pi_n^*) \geq K(\pi_n)$, то π_n принимается за локальный минимум.

Эффективность описанной процедуры определяется характером введенной метрики. При построении той или иной метрики исходят из чисто интуитивных соображений, поэтому направленный случайный поиск сводится по сути дела к комбинации эвристических методов с методом Конте-Карло.

Поскольку очередность обработки деталей на станках совпадают, то любое возможное решение задачи однозначно определяется

перестановкой π=(i1, i2, ... , in), состоящей из первых чисел натурального ряда. Решить задачу означает найти такую перестановку

$$\pi^* \in S(n)$$

где S(n) - множество всех перестановок чисел 1, 2, ... , n для которой Kπn-длительность цикла изготовления деталей, принимает минимальное значение.

Определение точной нижней границы также является весьма сложной задачей, однако для целей достаточно определить нижнюю границу, как:

$$K_{min} = \max_{j=\overline{1,m}} A_j \qquad (1)$$

где $A_j = \sum_{i=1}^{n} t_{ij}$ – сумма элементов j-го столбца матрицы T.

Пусть строки исходной матрицы T переставлены в произвольном порядке π. Полученную матрицу обозначим $[\tau_{ij}]$. Можно показать, что если π принять в качестве решения задачи, то для абсолютной погрешности решения имеет место оценка

$$K_\pi - K_{min} \leq (m-1)D_\pi - (m-1)t_{max} \qquad (2)$$

где

$$D_\pi = \max_{j=\overline{1,m}} \max_{l_1,l_2=\overline{1,n}} \sum_{i=l_1}^{l_2} (\tau_{ij} - \tau_{ij_0}) \qquad (3)$$

И в заключении важно отметить следующее. Основными вопросами управления производственными системами являются вопросы, связанные с достижением главной цели функционирования производственного подразделения, т.е. выпуска максимального количества продукции заданного качества [1].

Литература:

1. Кабулов А. В., Норматов И. Х., Каландаров И. И. Алгоритмическая модель управления на основе алгебры над таблицами функционирования //Проблемы вычислительной и прикладной математики. – 2016. – №. 2. – С. 19-23.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 20-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(16-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000